

## ИҚТИДОРИЛИК МУАММОСИНинг ПСИХОЛОГИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Жиззах ДПИ “Умумий психология” кафедраси ўқитувчиси Мажидов Ж.

Педагогика-психология йўналиши 1-босқич магистри Эшонқуловва X

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтидор, иқтидорлик тушунчаларининг психологик тавсифи, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга таълим-тарбия бериш муаммолари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** иқтидор, иқтидорли бола, дифференциал ўқитиш, ижтимоий адаптация, психологик феномен, иқтидор диагностикаси.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳати, енг аввало ҳар томонлама етук баркамол авлодни вояга етказишига қаратилган. Ватанимиз келажаги бўлган иқтидор егаларини ўз вақтида аниқлаб, уларнинг камол топиши учун шароит ва имкониятлар яратиб бериш бугуннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Дарвоqe “иқтидор”, “иқтидорли бола” каби тушунчалар тагида нималар ётибди? – каби саволлар туғилиши таабий.

Иқтидор ҳали ҳануз кенг аудитория жамоасига, болаларга, ўқитувчиларга ва кўплаб ота-оналарга топишмоқ бўлиб келмоқда. Кенг жамоатчиликка унинг нафақат илмий асослари балки, унинг ҳаётда намоён бўлиши, намоён бўлиш усуллари, ривожланиши ва ижтимоий тараққиёти қизиқтириб келади. Бугунги кунда иқтидорли болаларга ғамхўрлик – бу ертанги кундаги илмнинг, маданият ва ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига бўлган ғамхўрликдир. Ҳозирги кунда иқтидорли болаларнинг ўз иқтидорларини намоён етишлари учун кўплаб йўллар ва таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Аммо иқтидорни диагностика қилиш, уларнинг барча ўқув босқичларида ривожланиши, болалар томонидан ўзининг иқтидорини англаб етиши ва ўзининг ижодий ривожланишига бўлган шахсий жавобгарлиги муаммолари мавжуддир.

Иқтидор масаласи билан чет ел олимлари ва Собиқ Совет олимлари шуғулланиб келишган. Хусусан, бир қатор америкалик олимлар Дж. Гилфорд, П. Торренс, Ф. Баррон, К. Тейлорлар шуғулланганлар. Психолог олимлар Дж. Керолл ва Б. Блум ғоялари асосида иқтидорли болаларни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган. Ўта иқтидорли болалар билан Ж. Брюно шуғулланган.

Собиқ Совет психолог олимларидан А.М. Матюшкин, Н.Б. Шумакова, Г.Д. Чистякова, В.С. Юркевичлар иқтидор масаласи билан шуғулланганлар.

XX асрнинг 70-йиллари бошларига келиб индивидуал фарқлар психологияси амалий фанга айланди. Тадқиқотлар тезлик билан таълим соҳасига кўчади. XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилнинг бошларига келиб амалий психология соҳаси иқтидор психологиясига ўтиб, унда болалик даврида иқтидорнинг намоён бўлишига тўскенилик қилувчи ҳолатлар ва уларнинг сабаблари чуқур ўрганила бошланди.

Дж. Гилфорднинг амалий ишлари мактабни тамомлаётган иқтидорли болаларда баъзан оғир депрессия ҳолатининг вужудга келиши, ҳамда тенгқурлари ва катталардан ўз иқтидорини беркитиш ҳоллари маълум бўлди. Иқтидорли болалар мактабларда “дискриминасия” ҳолатини дифференсиал ўқитишнинг мавжуд емаслигидан ҳис етадилар.

70-йилнинг охирига келиб нафақат хусусий мактаблар балки, давлат мактаблари ҳам дифференсиал ўқитиш тизимига ўта бошладилар. 80-йиллар бошларида иқтидорли болаларнинг имкониятлари, уларнинг келажагини башорат қилиш, улар учун қийин вазиятлар ва улардан чиқиш йўллари бўйича йирик халқаро дастур амалга оширилди. АҚШда иқтидорли ўсмирларнинг лидерлик даражасига еришишлари учун маҳсус курслар ташкил етилди.

Психологияда иқтидорлиликнинг ёш хусусиятлари ва унинг намоён бўлишининг сензитив даврини аниқлаш борасида ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ҳисобланади. Ушбу тадқиқотларда кўпчилик олимлар унинг фаол ривожланиш даврини 2-5 ёшлари билан белгилайдилар. Ушбу ёш

оралиғида шахслик асослари ўрнатилади ва иқтидор ўзини кўрсата бошлайди. Унинг намоён бўлишини боланинг турли хил ва ноанъанавий фаолият турларига нисбатан иштиёқи ошиб бораётганидан билиш мумкин. Ота-оналарнинг, тарбиячиларнинг ва ўқитувчиларнинг вазифаси еса боланинг интилишини ўз вақтида пайқаб, қўллаб-кувватлашдир.

Ижтимоий-психологик соҳада иқтидорли болаларга қуидаги белгилар хосдир:

- Эрта намойн бўлган ва кучли ривожланган адолатпарварлик ҳисси. Улар ўзлари ва атрофдагиларга нисбатан қаттиқ талаблар қўядилар.
- Ҳаётларини саргузаштларга ва бой гарманияга тўлдирадилар. Йиллар ўтсада уларда ўйинқароқлик, кашфиётчилик ва ижодий ёндашув сақланиб қолади.
- Кўркув ҳисси кучли бўлиб, унинг салбий оқибатларини турли ҳолатларда кўрадилар. Бундан ташқари улар сабрсиз, эмоционал боғлиқ ва мувозанатлашмаган бўладилар.
- Атроф-мухитдаги салбий нарсаларни тезда идрок этадилар. Натижада ўз тенгқурлари билан муносабат ўрнатишда қийналадилар.

Психологик – педагогик муаммолар ичида болада доминантлик сифатида ижодий иқтидорни потенциал намоён бўлиши туради. Ушбу муаммонинг долзарблиги учта феномен билан белгиланади:

1. Ёш ўтган сари иқтидорнинг “кетиши”, бунда ёрқин қобилияtlар фақатгина ёш даври билан боғлиқлиги ва ёш улғайган сари унинг кучсизланиши;

2. Шахслик деградацияси феномени – “қайта туғилиш”;

3. Ташқи салбий шарт-шароитлар ҳисобига ўзининг потенциал имкониятларини намоён эта олмаслик (Грязева).

Яна муҳим муаммолардан бири бу иқтидорли болаларни намоён қилиш:

1. Иқтидорли боланинг ilk ривожланиши даврида бундай бола оила аъзолари томонидан “тушунилмайди”, баъзан боланинг билиш жараёнларига

бўлган фаол қизиқиши ота-оналар томонидан негатив муносабат билдирилади.

2. Фаол ижодий ҳаракатлар болада юқори руҳий-асаб қўзғалувчанлик билан кечади. Ушбу қўзғалувчанлик бир жойда тинч ўтира олмаслик, иштаханинг уйқунинг бузилиши, тез ва енгил вужудга келган бош оғриғи ва бошқалар билан кузатилади. Ушбу бузилишларга ўз вақтида қилинмаган тиббий-психологик коррекция неврознинг ривожланишига ва бир қатор психосоматик касалликларга олиб келади.

3. Оддий мактаб жамоасига келиб тушган иқтидорли бола ўз тенгқурларида ўрта даражада бўлган қобилият борлигини кўриб, очиқ ёки яширин тарзда мавжуд бўлган норозиликни ва атроф-муҳит томонидан ишончсизлик билдирилаётганини ҳис этиб туради. Натижада иқтидорли бола бошқалардан “оқ қарғага” ўхшаб ажралмасликка ҳаракат қиласи ва унинг иқтидори борган сари беркиниб, йўқолиб боради (Ж. Брюно).

Иқтидорли болаларнинг ўзига хос томони шундаки, улар жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тушунишда сабаб-оқибат категориясига асосланадилар ва шунга яраша хулосалар қиласидилар. Боланинг турли хил соҳалар борасидаги изланишлари бу енг муҳим дақиқа бўлиб, уни еътиборсиз ўтказиб юбориш мумкин емас.

Кўплаб олимлар ва кенг жамоатчилик, хусусан таълим-тарбияни самарали ташкил этиш борасида фаолият юритиб келаётган мутахассисларни қизиқтириб келган муаммолардан яна бири иқтидорлиликни аниқлаш ва иқтидорли бола шахсининг ўзига хос хусусиятларини қандай усуллар билан ташхислаш муаммосидир. Бу борада илғор ишлар сифатида 1972 йилда АҚШнинг таълим Комитети иқтидор бўйича қуйидаги аниқликни эълон қиласи: «Иқтидорли ёки қобилиятли бола деб мутахассислар томонидан бир ёки бир нечта соҳада ўзининг имкониятни юқори даражада намоён этадиган: интеллектуал, академик ютуқлар, ижодий ва маҳсулли тафаккур, мулоқот ва лидерлик, бадиий соҳа, фаолият соҳаси ва бошқаларда».

Иқтидорли болаларни аниқлаш бу қийин жараён ҳисобланади, чунки ҳаётда ёрқин ҳолдаги иқтидорлар камдан-кам учрайди. Креативлик тафаккурда, мулоқотда ва фаолиятнинг алоҳида турларида учрайди. Шунинг учун аввало боланинг ота-онаси ва ўқитувчиларидан хотираларида сақланиб қолган унинг юқори натижалари сўралади, ривожланишининг индивидуал карточкаси очилади. Бу карточкада боланинг нутқи ривожланиш даражаси, ақлий фаоллиги, хулоса қила олиш қобилияти, хотиранинг ўзига хослиги, ақиллилиги, ўз-ўзига берадиган баҳоси, тенгқурлари, ота-онаси ва ўқитувчилари билан бўладиган ўзаро муносабати, саломатлиги ва нерв системаси хусусиятлари қайд этиб борилади.

Қобилиятнинг турини аниқлашда **А.И.Савенковнинг** анкетасидан фойдаланилади. Бу анкета турли қобилият ва иқтидорларни ўз ичига қамраб олади. Хусусан:

1. Илмий иш билан шуғуллана олиш қобилияти;
2. Гуманитар қобилиятлар, бадиий иқтидор;
3. Мусиқий иқтидор;
4. Артистлик иқтидори;
5. Бадиий дид соҳаси;
6. Спортга бўлган қобилият;
7. Интеллектуал қобилиятлар;
8. Техник қобилиятлар.

Ушбу берилган 8 та соҳа бўйича алоҳида-алоҳида тарзда баҳоланади, сўнг олинган баҳолар жамланади ва боланинг қобилиятлари кўриниши график ҳолатига келтирилади. Бу анкета – диагностиканинг ўзига хос тиргак схемаси бўлиб ҳисобланади, аммо у боланинг хулқ-атвори ва иқтидорини намоён қилишини рад этмайди.

1. Шунинг учун ҳам иқтидорнинг ривожланишни башорат қилиш муаммосига ўзгача ёндашув талаб етилади. Боланинг билишга бўлган фаоллиги характеристини ва унинг ривожланиш динамикасини муҳокама қилишга ёрдам берувчи методикалардан бири бу **“СОНА”** (спонтанное

описание нерегламентированной активности) методикаси бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари иқтидор диагностикасида Интеллект тестлари: Векслера тести, Айзенк тести, КОТ, Амтхауэр тести, Равен тести ва П. Торренснинг ижодий иқтидорни аниқлаш методикалари кенг оммалашган ҳисобланади. Ўз навбатида иқтидорлиликни аниқлаш борасидаги кейинги тадқиқотлар иқтидорлиликнинг муҳим қўрсаткичи сифатида “Ижодий иқтидор” ва ижодкорлик, креативлик сифатлари билан зийнатланганда кўпроқ қадрланишини ошкор этди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, иқтидор соф психик феномен сифатида баҳоланади, бугунги ривожланиб бораётган замонда иқтидорни диагностика қилиш, уни намоён қилиш, башоратлаш, таълим бериш ва ривожланиши долзарб муаммолардан бири бўлиб саналади. Иқтидорли боланинг атроф-муҳит билан ўзаро тўғри алоқа ўрнатиши, унинг ўз иқтидорини янада ёрқин ва кенгроқ ривожланишига туртки бўлади.

Боланинг иқтидори гўдаклигига ёқ аниқлаш ва таълим - тарбияни шунга мувофиқ олиб бориш жуда муҳимдир. Шу ерда, қадимда донишмандларимиздан бири етти кунлик гўдакнинг ота – онаси тарбияни қандай бошлашни маслаҳат сўраб келишганда, улар етти кун кечикишганини айтганини келтиришимиз кифоя, зеро Ватанимизнинг ертаси бўлган иқтидор егаларини ўз вақтида аниқлаб, уларга қанот беришда биз ҳеч қачон кечикмайлик.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Грязева В.Г., Петровский В.А. «Одаренные дети: экология творчества». – Москва-Челябинск: ИПИ РАО, ЧГИИК, 1993 йил.
2. Рубинштейн С.Л. «Основы общей психологии». М., 1946 йил.
3. Юркович В.С. «Проблема диагноза и прогноза одаренности в работе практического психолога». Школа здоровья. 1997 йил.
4. Акимов И., Клименко В., «О природе таланта». М., 1994 йил.

5. Клименко В. В. «Психологические тесты таланта». Харков. Фолио, 1996 йил.
6. Лейтес Н. С. «Об умственной одаренности». М. Прос., 1960 йил.
7. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
8. Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.
9. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).